

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.К.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ДАМИНОВА ШАХЛО ШАРИПОВНА

**РАНГЛИ ВА НОДИР МЕТАЛЛАРНИ P,S,O,N-САҚЛАГАН ҚАТТИҚ
ЭКСТРАГЕНТЛАР БИЛАН СОРБЦИЯЛАШ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА
УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ**

**02.00.01-Ноорганик кимё
02.00.04-Физик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the abstract dissertation of doctor of sciences (DSc)

Даминова Шахло Шариповна

Рангли ва нодир металлари P,S,O,N-сақлаган қаттиқ экстрагентлар билан сорбциялаш қонуниятлари ва уларнинг ўзига хосликлари. 3

Даминова Шахло Шариповна

Закономерности сорбции цветных и благородных металлов с P,S,O,N-содержащими твёрдыми экстрагентами и их структурная особенность. 31

Daminova Shahlo Sharipovna

Regularities of sorption of non-ferrous and noble metals with P, S, O, N-containing solid extragents and their structural features. 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works. 63

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.К.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ДАМИНОВА ШАХЛО ШАРИПОВНА

**РАНГЛИ ВА НОДИР МЕТАЛЛАРНИ P,S,O,N-САҚЛАГАН ҚАТТИҚ
ЭКСТРАГЕНТЛАР БИЛАН СОРБЦИЯЛАШ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА
УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ**

**02.00.01-Ноорганик кимё
02.00.04-Физик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc./K2 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-kimyo.nuu.uz) ва «ZiyoNET» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Шарипов Хасан Турабович

кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Парпиев Нусрат Агзамович,

кимё фанлари доктори, профессор, академик

Ибрагимов Бахтияр Туляганович

кимё фанлари доктори, профессор, академик

Хасанов Абдурашид Солиевич

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (99871)227-12-24, факс: (99824)246-53-21, 246-02-24, E-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (99871)227-12-24, факс: (99824)246-53-21, 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х. И. Акбаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.А. Гафурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

Н.А. Парпиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда экологик жиҳатдан хавфсиз, арзон, осон синтез қилинадиган, қўлланишда қулай бўлган сорбентларни олиш ҳамда уларни саноатнинг турли технологик жараёнларида, металлургия, кимё саноатида, жумладан оқава ва ер усти сувларини оғир металл ионларидан тозалашда, рангли, нодир ва камёб металлларни мураккаб эритмалар, технологик аралашмалардан ажратишда қўллаш назарий ҳамда амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Айниқса бу борада таркибида турли фаол функционал гуруҳлар тутган полимер сорбентларни яратиш, уларнинг физик-кимёвий, адсорбцион, комплекс ҳосил қилиш ҳамда регенерациялаш хоссаларини яхшилаш муҳим ҳисобланади.

Жаҳонда олиб борилаётган илмий изланишларда керакли физик-кимёвий хусусиятларга эга қаттиқ экстрагентларни (ҚЭ) йўналтирилган ҳолда синтез шароитини ишлаб чиқиш бўйича замонавий тадқиқотлар сорбция ва экстракцияни ўз ичига олган янгича ёндошув асосида амалга оширилмоқда. Дунёнинг етакчи олимлари томонидан қаттиқ экстрагентларни олиш учун полимер матрицаларни танлаш, уларга таркибида P,S,O,N-сақлаган турли органик лигандларни мақсадли киритиш, металл ионлари сорбцияси кинетикасини, сорбция жараёнида сорбент фазасида кетадиган физик-кимёвий жараёнларни, металл комплексларини ҳосил бўлиш механизмларини аниқлаш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилган.

Мамлакатимизда кимё саноати соҳасини ривожлантириш мақсадида замонавий талабларга жавоб бера оладиган янги турдаги сорбентлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, айниқса, янгича ёндашувларга асосланган, металл ионларига юқори селектив сорбентлар олишнинг илмий асосларини яратишга эришилди ва ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳаллий сорбентлар билан таъминлаш соҳасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулот ва технологияларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш»га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, маҳаллий хом ашёлар асосида сорбцион материалларни ишлаб чиқариш учун иқтисодий жиҳатдан самарали ва экологик тоза технологияларни яратиш, янги юқори самарали сорбентлар синтез қилиш ва улардан металл ионларини концентрлаш ҳамда ажратиб олиш учун фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3983-сон, 2018 йил 17 январдаги «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3479-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Рангли ва нодир металлларни P,S,O,N-сақлаган қаттиқ экстрагентлар билан сорбциялаш қонуниятларига йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of Tokyo (Япония), Meiji University (Япония), University of Technology (Польша), University of Bath (Буюк Британия), Universitat Polit (Испания), Ege University (Туркия), Atomic Energy Corporation (Жанубий Африка), Россия ФА Вернадский В.И. номидаги геохимия ва аналитик кимё институти (Россия), Россия ФА СБ Николаев А.В. номидаги ноорганик кимё институти (Россия), Sichuan University of Science (Хитой), University of Jammu (Ҳиндистон), Ўзбекистон Миллий университети, Биоорганик кимё институти, Умумий ва ноорганик кимё институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Таркибида N, P, S бўлган органик лигандларни ва улар асосида қаттиқ экстрагентларни синтез қилишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: азотли гетероҳалқали бирикмалар билан аралаш лигандли комплекслар синтез қилинган (Россия ФА СБ А.В. Николаев номидаги ноорганик кимё институти, Россия; Умумий ва ноорганик кимё институти, Ўзбекистон); диалкилдитиофосфат металлларнинг гетероҳалқали бирикмалар билан комплекслари олинган (Sichuan University of Science, Хитой); диалкилдитиофосфор кислоталарнинг супрамолекуляр комплексларининг структуралари аниқланган (University of Bath, Англия); O,O'-диалкилалмашинган дитиофосфор кислоталарнинг комплекс ҳосил қилишдаги аналитик имкониятлари, спектрал хоссалари аниқланган (University of Tokyo, Япония); диалкилдитиофосфат металл комплекслари синтез қилинган, молекуляр ва кристалл тузилишлари аниқланган (University of Jammu, Ҳиндистон; Биоорганик кимё институти); N,P,S-сақлаган органик лигандлар билан импрегнирланган ва иммобилланган сорбентларининг сорбцион хусусиятлари аниқланган (Meiji University, Япония; Universitat

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.scholar.google.com>, <http://www.sciencedirect.com> ва бошқа манбаалар материаллари асосида тайёрланган

Polit, Испания; University of Technology, Полша; Ege University, Туркия; Геокимё ва аналитик кимё институти, Россия; Ўзбекистон Миллий университети); радионуклидлар сорбцияси учун полимер матрицада маҳкамланган қаттиқ экстрагентлар ишлаб чиқилган (Atomic Energy Corporation of South Africa, Жанубий Африка).

Дунёда янги аралаш лигандли комплексларнинг «таркиб-тузилиш-хосса» боғлиқлигини ва уларни олишнинг қонуниятларини аниқлаш, улардан амалда фойдаланиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: янги органик лигандлар билан импрегнирланган юқори самарали қаттиқ экстрагентларни мақсадли олиш; сорбентларнинг сорбцион ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш; металлокомплекс ҳосил бўлиш механизмларини аниқлаш; саноат ва экологик муаммоларни бартараф этишга ёрдам берувчи юқори сорбцион хусусиятли, термик ҳамда кимёвий барқарор материалларни синтез қилиш; саноат корхоналари оқава сувларида, руда ва бошқа минералларда металларнинг миқдорини назорат қилиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг қатор етакчи илмий марказларида ҚЭ олиш, улардан оқава ва ер усти сувларини тозалашда, технологик жараёнларда фойдаланишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Cortina J. L., Warshawsky A., Kumar M., Santos J.S., Soylak M., Ferreira S.L.C., Tewari P.K., Золотов Ю.А., Салдадзе К.М., Мясоедова Г.В., Лосев В.Н. тадқиқотларида ушбу йўналишга алоҳида эътибор қаратилган.

Адабиётлардаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, диалкилдитиофосфорли кислоталар ва 2-амино-1-метилбензимидазол асосидаги аралаш лигандли комплексларнинг синтези ва тузилишини ўрганиш бўйича тизимли тадқиқотлар ўтказилмаган. Drake J.E, Pandey S.K., Larsson A.C., Zou L. K., Иванов А.В., Кокина Т. Е., Ларионов С.В., Пасека А.Е., Родионова Н.А., Брилева Ю.А. каби олимларнинг ишлари диалкилдитиофосфор кислоталарининг ҳосилалари металлокомплекслари ва уларнинг аралаш лигандли комплекслари тадқиқотига бағишланган.

Ўзбекистонда координацион бирикмалар кимёси соҳасида академиклар Парпиев Н.А., Ғаниев А.Ғ., Ибрагимов Б.Т., профессорлар Шарипов Х.Т., Азизов Т.А., Тўраев Х.Х., Шабилалов А.А., Умаров Б.В., Худойбергенов У., Эшонхўжаева М.М., Қодирова Ш.А. илмий мактаблари олимлари фаолият олиб бормоқда. Академиклар Аскарлов М.А., Рашидова С.Ш., Джалилов А.Т., профессорлар Мусаев У.Н., Бобоев Т.М., Мухамедиев М.Г., Сманова З.А. ва бошқа олимлар томонидан кимёвий технология, тиббиёт ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида фойдаланиладиган турли полимер сорбентлар ишлаб чиқилган. Бироқ модификацияланган сорбентлар бўйича кенг маълумотлар бўлишига қарамасдан, полистирол-дивинилбензол асосида қаттиқ экстрагентлар олиш, уларнинг сорбцион, комплекс ҳосил қилиш хоссалари тадқиқ қилинмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти ва «Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация маркази» ДК илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф7-33 «Нодир ва камёб металлларни ажратиш учун N,O,P,S-полифункционал гуруҳларга эга наноструктурали қаттиқ экстрагентларни олиш қонуниятлари ва ўзига хосликлари» (2012-2016 йй.), ПЗ-20170929194 «НКМК гидрометаллургия чиқиндиларини қайта ишлаб қимматли компонентларни комплекс ажратиб олиш учун N,O,P,S-органик реагентлар билан импрегнирланган қаттиқ фаза полимер сорбентларни олиш» (2018-2020 йй.) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади рангли ва нодир металлларни P,S,O,N-сақлаган қаттиқ экстрагентлар билан сорбциялаш қонуниятлари ҳамда уларнинг физик-кимёвий ва комплекс ҳосил қилиш хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Zn(II), Cd(II), Cu(II), Ni(II), Co(II), Fe(III), Bi(III), Ag(I), Au(III), Pt(II) диалкилдитиофосфатларининг 2-амино-1-метилбензимидазол билан аралаш лигандли координацион бирикмаларини синтез қилиш шароитларини яратиш;

олинган комплекслар таркиби, тузилишидаги хусусиятларни, кимёвий боғ табиатини ва «таркиб-структура-хосса» орасидаги фундаментал қонуниятларни аниқлаш;

монокристаллар олиш, комплексларнинг кристалл ва электрон тузилишини тадқиқ қилиш, ионларнинг электрон конфигурацияси ва лигандларнинг координацияланиш усулларига боғлиқ ҳолда тузилишдаги хусусиятларини аниқлаш;

импрегнирланган сорбентларни олиш, ноионоген матрицаларни таркибида N, P, S бўлган хелат ҳосил қилувчи полифункционал полидентат лигандлар ёрдамида импрегнирлашда қаттиқ экстрагентларнинг таркиби, тузилиши, микротузилиши ва хоссалари орасидаги боғлиқликни аниқлаш;

қаттиқ экстрагентларнинг Zn(II), Cd(II), Cu(II), Ni(II), Fe(III), Ag(I), Au(III), Pt(II) ионларига нисбатан сорбцион хоссаларининг сорбентлар микротузилиши, металлларнинг комплекс ҳосил қилиши хоссалари ва органик лигандларнинг реакцион қобилятига боғлиқлигини, шунингдек, сорбция ўтказиш шароитини аниқлаш;

қаттиқ экстрагентларнинг кимёвий барқарорлигини, селективлигини, металл сорбцияси кинетикаси ва десорбциясини тадқиқ этиш;

олинган сорбентларни саноат шароитида қўллаш учун лаборатория синовидан ўтказиш, металл ионларини аниқлаш ва ажратиш, саноат ва чиқинди оқава сувларини тозалаш усуллари учун олинган сорбентларни қўллаш мумкин бўлган соҳалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти рангли ва нодир металллар, диэтил-, диизопропил-, диизобутилдитиофосфор кислоталари (DADTP), 2-амино-1-

метилбензимидазол (МAB), полистирол ва дивинилбензол асосидаги полимер матрицалар - Porolas, PAD400 ва PAD600 ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети металл диалкилдитиофосфатларининг МAB билан аралаш лигандли комплексларининг таркиби, тузилиши, хоссалари, импрегнирланган қаттиқ экстрагентлар, сорбент фазасида металл ионларининг комплекс ҳосил бўлиши, физик-кимёвий хоссалар, сорбция, десорбция, кинетика ва жараёнлар термодинамикаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот усуллари сифатида ИҚ-Фурье (ИҚ) ва электрон (УБ) спектроскопия, диффуз қайтарилиш спектроскопия (ДҚС), элемент анализи, рентген фазали (РФА), рентген структурали (РСА), дифференциал-термик (ДТА) анализлар, индуктив-боғланган плазмали масс-спектрометрия (ICP-MS), атом-абсорбцион спектроскопия (ААС), энерго-дисперсион анализ ва сканерловчи электрон микроскопия (SEM-EDX), суяк азот бўйича адсорбция фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор таркибида диалкилдитиофосфат-ионлари ва МAB бўлган 30 та янги аралаш лигандли комплекс бирикмалар синтез қилинган;

спектроскопик маълумотлар ва квант-кимёвий ҳисоблаш натижаларига кўра аралаш лигандли янги комплексларда DADTP ва МAB молекулаларининг координацияланиш қобилиятлари, тузилиши ҳамда комплекс ҳосил қилувчи ва лигандлар табиатига боғлиқ ҳолда термик ўзгаришлардаги хусусиятлари аниқланган;

илк бор 3 та онийли бензимидазол бирикмалари, Co(II), Cd(II), Bi(III) диизопропилдитиофосфатларининг МAB билан 3 та янги координацион бирикмаларининг кристалл тузилишлари аниқланган ҳамда комплекс $[MAB+H] \times (iC_3H_7O)_2PS_2$ ва $[MAB+H] \times Cl \times 3H_2O$ таркибли иккита барқарор полиморфлар учун бензимидазолий ион жуфтнинг ҳосил бўлиши, полиморфлар органик катионнинг сув молекулалари ва хлорид ионлари билан ўзаро таъсири табиати билан фарқ қилиши исботланган;

металл иони радиуси ва ташқи электрон поғонасига боғлиқ ҳолда дитиофосфат ион билан монодентат координацияланган тетраэдрик N^2S^2 -конфигурациядан ($[Cd(MAB)_2((iC_3H_7O)_2PS_2)_2]$) бидентат координацияланган бузилган пентагонал бипирамидали N^1S^6 -конфигурация ($[Bi(MAB)((iC_3H_7O)_2PS_2)_3]$) ва бузилган тетрагонал-пирамидали N^1S^4 -конфигурацияга $[Co(MAB)((iC_3H_7O)_2PS_2)_2]$ ўтиши аниқланган, шунингдек водород боғланишсиз алоҳида мономер молекуляр тузилишнинг барқарорлашуви содир бўлиши исботланган;

илк бор ноионоген стирол-дивинилбензол сополимери асосидаги полимер матрицага DADTP ва МAB ларни импрегнирлаб, хоссалари олдиндан белгиланган янги қаттиқ экстрагентлар олинган;

илк бор олинган қаттиқ экстрагентларнинг металл ионларига нисбатан сорбцион ва кинетик хусусиятлари, сорбция жараёнининг қулай шароити аниқланган;

сорбент фазасида ҳосил бўладиган комплекслар таркиби ва

тузилишининг Zn(II), Cd(II), Cu(II), Ni(II), Fe(III), Ag(I), Au(III), Pt(II) металл ионлари сорбциясига таъсири кўрсатилган, сорбция механизми, десорбцион хоссалар ва мультикомпонентли эритмаларда сорбция селективлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Zn(II), Co(II), Cd(II), Ni(II), Cu(II), Fe(III), Bi(III), Ag(I), Au(III), Pt(II) ионларининг DADTF ва МАВ билан аралаш лигандли координацион бирикмаларини синтез қилиш шароити яратилган;

ноионоген полимер матрицалар ва DADTF ҳамда МАВ асосида қатор импрегнирланган юқори самарали селектив сорбентлар олинган, улар технологик шароитларда тадқиқ қилинган ва сорбцион хоссаларининг синовдан ўтказилиши натижасида хорижий сорбентлардан қолишмаслиги аниқланган;

импрегнирланган сорбент олиш бўйича бир марталик регламент ва оқава сувларни анализи ҳамда металл ионларидан сорбцион тозалаш учун услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

металл ионларини органик лигандлар ва қаттиқ сорбентлар билан комплекс ҳосил қилиш жараёнларини компьютерда моделлаштириш орқали уларнинг сорбцион хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг замонавий, юқори информацион физик-кимёвий усуллари (ИҚ, УБ, ДҚЭС, ААС, ICP-MS, ДТА, РФА, РСА, SEM-EDX, суюқ азот бўйича адсорбция, квант-кимёвий ҳисоблаш усуллари) қўлланилганлиги билан асосланади. Статистик қайта ишлаш усулларидан фойдаланиб, сорбция кинетикаси ва термодинамикасининг замонавий назариялари асосида ҳулосалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лигандлар ва комплексларнинг электрон, фазовий тузилишини, DADTF ва МАВ таркиби ва донор атомларининг координацияланиш қобилиятини, шунингдек, импрегнирланган полистиролли сорбентлар хоссалари, таркиби, тузилиши, микротузилиши орасидаги ўзаро боғлиқликни тадқиқ қилишни, қаттиқ экстрагентларнинг сорбцион ва кинетик хоссаларини ҳамда металл ионларининг сорбция механизмларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти 6 та янги бирикма тузилишининг халқаро Кембриж маълумотлар базасига киритилганлиги, технологик ва экологик аҳамиятга эга бўлган янги сорбцион материаллар яратилганлиги, импрегнирланган қаттиқ экстрагентларни олиш бўйича бир марталик регламент ишлаб чиқилганлиги, улардан саноат ва маиший оқава сувларини тозалаш, металл ионларини атомли-абсорбцион аниқлашда концентрлаш жараёнида фойдаланилганлиги, технологик аралашмалардан ренийни ажратиш, унинг микдорини сорбцион-спектроскопик усулда аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Рангли ва нодир металлларни P,S,O,N-сақлаган қаттиқ экстрагентлар билан сорбциялаш

қонуниятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олтита янги бирикмаларнинг рентген тузилиши таҳлили натижалари Кембриж кристаллографик маълумотлар базасига киритилган (Cambridge Structural Database, <https://www.ccdc.cam>, CCDC, 1847610, 1847963, 1847965, 1847609, 1846854, 1847608). Натижада базага киритилган янги кимёвий бирикмалар ўхшаш бирикмаларни синтез қилишда, тузилишини тавсифлаш имконини берган;

импрегнирланган қаттиқ экстрагентларда металл ионлари сорбцияси ва комплекс ҳосил бўлиши бўйича олинган маълумотлардан юқори инпакт-факторли (IF) 5 та хорижий журналларда намуналарнинг кристалл ва молекуляр тузилиши, қаттиқ экстрагентларнинг физик-кимёвий ва спектрал таҳлили учун фойдаланилган (Journal of Structural Chemistry, 2008, V.49, Springer, IF-0.579; Contemporary Engineering Sciences, 2018, V.11, ResearchGate, IF-0,59; Journal of Environmental Chemical Engineering, 2018, V.6, ResearchGate, IF-3.42; Applied Surface Science, 2019, V.266, Elsevier, IF-4.44; Journal of Cleaner Production, 2019, V.213, Elsevier, IF-5,65). Натижада таркибида N, P, S бўлган органик лигандлар асосидаги импрегнирланган сорбентларни йўналтирилган синтезини амалга ошириш, металл ионларини аниқлаш имконини берган;

сувни тозалашни тезлаштириш ва тозалик даражасини ошириш бўйича услубий тавсиянома Сурхондарё вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси амалиёти маиший чиқинди сувларни сорбцион тозалаш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 29 январдаги 03-03-751-сон маълумотномаси). Натижада маиший чиқинди сувларни тозалаш самарадорлиги ва тезлигини ошириш имконини берган;

PAD600-MAВ сорбенти «Навоий кон-металлургия комбинати» ДКда технологик эритмаларидан рений ионларни ажратиб олиш жараёнига жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2018 йил 28 ноябрдаги 02-06-04/15010-сон маълумотномаси). Натижада ренийнинг масса концентрациясини спектрофотометрик усулда аниқлаш имконини берган;

PAD600 асосидаги сорбент «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ қарашли «Хандиза» кон бойитиш комплексида саноат оқава сувларини тозалаш жараёнига жорий этилган («Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2018 йил 29 ноябрдаги ОП-10955-сон маълумотномаси). Натижада чиқинди сувларни тозалаш жараёнини яхшилаш имконини берган;

қаттиқ экстрагентларни олиниш усуллари ва уларнинг сорбцион ҳамда комплекс ҳосил қилиш хоссалари Япониянинг Мейжи университетининг мақсадли илмий тадқиқотида фойдаланилган (Япония Мейжи университетининг 2018 йил 25 ноябрдаги маълумотномаси). Натижада ноионоген стирол-дивинилбензол сополимери асосида янги сорбцион полимерлар олиш имконини берган;

олинган қаттиқ экстрагентлар ва сорбентлар ОТ-Ф7-48 рақамли «Полимер материаллар сиртига имобилланган металллар

нанозаррачаларининг фазавий ўзгаришлари механизмини тадқиқ қилиш» мавзусидаги лойиҳада технологик ва экологик мақсадлар учун янги сорбцион материалларни яратиш ва чиқинди сувлардан металл ионларини тозалашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 7 декабрдаги 89-03-4261-сон маълумотномаси). Натижада нодир металлларни сорбентлар ёрдамида концентрлаб спектрофотометрик аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 45 та, жумладан, 27 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 67 та илмий иш чоп этилган, шулардан, битта монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, жумладан, 14 та республика ва 7 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Металлар диалкилдитиофосфатлари координацион бирикмаларининг тадқиқоти. Қаттиқ фазада металл ионларининг комплекс ҳосил қилиш хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида диалкилдитиофосфор кислоталар ва уларнинг d-металлар билан комплексларининг синтези, тузилиши, хоссаларига доир адабиётлар шарҳи келтирилган. Металлар диалкилдитиофосфатли комплексларининг азотли гетероҳалқали бирикмалар билан аралаш лигандли координацион бирикмаларини синтез қилиш бўйича тадқиқотларнинг ҳозирги ҳолати, уларнинг таркибини замонавий физик-кимёвий усуллар билан ўрганиш ва қўллаш соҳалари таҳлил қилинган. Шунингдек, ҚЭ турлари ва ташувчилари, органик реагентларни матрица фазасига бириктириш усуллари, қаттиқ экстрагентларнинг хоссалари ва улардан металл ионларини сорбцион ажратиш олишда фойдаланиш атрофлича ёритилган.

Адабиётлардаги манбаларда мавжуд бўлган тенденциялар таҳлили шуни


кўрсатадики, таркибида N, P, S бўлган органик лигандлар билан импрегнирланган ҚЭ ва аралаш лигандли координацион бирикмалар олиш долзарблигича қолмоқда, анъанавий сорбентларга қараганда ҚЭ олинишининг соддалиги, сорбция селективлиги, иқтисодий самарадорлиги ва экологик ҳавфсизлиги жиҳатидан афзаллиги уларнинг ривожланиш истикболларига эга эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Металлар дитиофосфатларининг 2-амино-1-метилбензимидазол билан координацион бирикмаларининг олиниши. Сорбцион экспериментни ўтказиш методикаси**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти ва усуллари келтирилган, дастлабки органик лигандлар, полиморф бирикмалар, DADTP комплекс бирикмалари ва уларнинг MAB билан аралаш лигандли бирикмалари синтези, полимер матрица тавсифи, реагентларни полимер матрицага импрегнациялаш усули, сорбцион экспериментларни ўтказиш методикаси баён қилинган. Шунингдек, элемент анализ, ИҚ, УБ, ДҚЭС, РФА, РСА, ДТА, ААС, ICP-MS, SEM-EDX, солиштирма сиртни ўлчаш, микротузилиш тадқиқоти ва бошқа тузилишни аниқлаш усуллари тавсифи келтирилган.

Этанолли эритмалардан бензимидазолий диалкилдитиофосфатлари - $[MAB+H](RO)_2PS_2$ (бу ерда $R=Et, iPr, iBu$) қаттиқ ҳолда ажратилди. $[MAB+H] \cdot Cl \cdot 3H_2O$ таркибли 2 та полиморф модданинг монокристаллари олинди. Сувли эритмада металл тузлари ва $(RO)_2PS_2K$ ўртасидаги алмашилиш реакциясидан $[Me((RO)_2PSS)_n]$ (бу ерда $n=1-3, R=Et, iPr, iBu$) таркибли ички комплекс бирикмалар олинди:



Металлар диалкилдитиофосфатларининг MAB билан аралаш лигандли бирикмалари синтези этанолли эритмаларда гетероҳалқани хелатга боғлаш йўли билан амалга оширилди:



Элемент анализ натижаларига кўра комплекслар қуйидагича умумий типдаги таркибга эга: $[Me(MAB)_m((RO)_2PS_2)_n]$, бу ерда $Me=Zn(II), Co(II), Cd(II), Ni(II), Cu(II), Fe(III), Bi(III), Ag(I), Au(III), Pt(II)$ бўлиб, $m=2, n=2$ $Zn(II), Cd(II), Ni(II), Cu(II), Pt(II)$; $m=1, n=2$ $Co(II), Ag(I), Au(III)$; $m=1, n=3$ $Fe(III), Bi(III)$ учун.

Бирикмаларнинг индивидуаллиги РФА усули ёрдамида исботланди, бунда комплекслар индивидуал кристалл панжарага эга бўлиб, текисликлараро масофасига кўра дастлабки моддалардан фарқ қилиши аниқланди.

Дастлабки полимер матрица сифатида стиролнинг дивинилбензол билан сополимерининг тармоқланган ғовак тузилишга эга бўлган гранулаларидан (Porolas, PAD400 и PAD600) фойдаланилган. Импрегнирланган сорбентларни олиш учун дастлабки полимер матрицага умумий ҳажмга кўра турли нисбатларда DADTP $((RO)_2PSSH$, бу ерда $R=Et$ (DEDTP), iPr (DiPDTP), iBu (DiBDTP)) ёки MAB киритилган. Ғоваклари 10% дан 100% гача тўлдирилиб


олинган сорбентлар намуналари адсорбцион хусусиятлари билан бири-биридан фарқ қилади. Олинган сорбентлар таркибидаги азот, олтингугурт ва фосфор миқдори элемент анализи ва SEM-EDX маълумотлари асосида аниқланган. Импрегнирланган сорбентлар сувли, спиртли (этанол) муҳитларда, ацетонда барқарор бўлиб, турли кислоталарда (0,1М-3М H_2SO_4) DADTP ва MAB сорбент сиртидан ювилмайди. Сорбентларнинг механик мустаҳкамлиги чайқатишгача ва ундан сўнг фракцион таркибнинг ўзгариши бўйича 93-96% чегарасида бўлиши ва полимер матрица мустаҳкамлигига боғлиқлиги аниқланган. Металл ионларининг матрица ва импрегнирланган сорбентлардаги сорбцияси статик шароитларда ўрганилган. Барча системалар учун сорбентлар сиғими (q_e , ммоль/г), ажратиш даражаси (R , %), тақсимланиш коэффиценти (K_d , мл/г) ва Гиббснинг эркин энергияси (ΔG , кДж/моль) ҳисобланган. Сорбция кинетикасининг турини аниқлаш учун сорбция жараёнидаги кимёвий таъсир босқичининг улушини аниқлаштириш имконини берувчи псевдо-биринчи тартиб, псевдо-иккинчи тартиб ва диффузион кинетика каби маълум моделлардан фойдаланилди. Моделларнинг адекватлиги детерминация коэффиценти R^2 қийматлари бўйича баҳоланган.

Учинчи боб «Турли лигандли комплекслар тадқиқоти» деб номланган бўлиб, бу бобда олинган комплекс бирикмаларнинг тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш ҳамда Zn(II), Cu(II), Ni(II), Fe(III), Ag(I), Au(III), Pt(II) диалкилдитиофосфатларининг MAB билан аралаш лигандли координацион бирикмаларининг квант-кимёвий тадқиқот натижалари келтирилган. Молекулаларни квант-кимёвий ҳисоблашлар ярим эмпирик усулларда (PM3/PM6) BIOVIA 2017 дастурида геометрик параметрларни тўлиқ оптималлаштириб бажарилди. $[\text{MAB}+\text{H}](i\text{PrO})_2\text{PS}_2$ учун квант-кимёвий ҳисоблаш натижалари ва PCA маълумотларини таққослаш MAB нинг донор табиати ва дитиофосфат гуруҳларнинг акцепторлик хоссаларини асосли аниқлаш имконини берган. Заряд ва орбитал назорати бўйича моделлаш DADTP, MAB молекулалари ва металл ионлари ўртасидаги координацион боғланиш локаллашишини исботлашга имкон берган.

$[\text{MAB}+\text{H}][\text{Au}((\text{RO})_2\text{PS}_2)_2]$ типдаги хамма комплексларда Au(I) иони барқарор текис квадратли (S^4) координацияга эга. Олтингугурт атомларида катта манфий заряд тўпланган бўлиб, бу эса унинг координацияловчи қобилиятидан далолат беради (1-расм). Бироқ кислород ва фосфор атомлари MAB нинг $\text{N}^{\text{экзо}}\text{H}_2$ -гуруҳи водородлари билан водород боғланиш ҳосил қилишда иштирок этиши мумкин. DADTP ва MAB нинг Pt(II) билан бўлиши мумкин бўлган комплексларининг структураларини оптималлаштириш натижасида $(\text{RO})_2\text{PS}_2^-$ ионлари билан монодентат координацияланган текис-квадратли изомер термодинамик жиҳатдан энг барқарор комплекс ҳосил қилиши аниқланган. Чегара орбиталар метал иони полиэдри ва лигандлар атрофида делокализацияланган.

ИҚ-спектроскопик тадқиқотлар DADTP ва MAB аралаш лигандли металл комплекслар ҳосил бўлганлигини кўрсатган. Бу ерда C=N, N-H ва

P=S, P-S- гуруҳлари берган ютилиш частоталарининг силжиши, шунингдек сигналларнинг кенгайиши ва бўлиниши кузатилган (1-жадвал).



1-расм. Чегаравий орбиталларнинг локаллашуви

1-жадвал

Баъзи аралаш лигандли металл комплексларнинг ИҚ-спектрларидаги асосий тебраниш частоталари (см⁻¹)


Бирикма	$\nu_{P=S}$	ν_{P-S-}	$\nu_{as}(R-NH_2)$	$\nu_s(NH_2)$	$\nu(CH)$	$\delta(NH_2)$	$\nu(C=N)$
MAB	-	-	3452 инт 3370	3308 3243	3087 3034	1656	1595 1546
$(iPrO)_2PS_2$	681	562 530 ел	-	-	-	-	-
[MAB+H][$(iPrO)_2PS_2$]	670	587 559	3451 к.и. 3372	3294	3053	1664 1618 ел	1550
[Zn(MAB) ₂ ((iPrO) ₂ PS ₂) ₂]	676 660	565 541	3377	3305 3296	3187 3058	1647 1634	1562 1500
[Cd(MAB) ₂ ((iPrO) ₂ PS ₂) ₂]	650 631 ел	549 532 ел	3419 3337	3249 3220	3183 3052	1637 1600 ел	1582 1500
[Bi(MAB)((iPrO) ₂ PS ₂) ₃]	667 613 ел	553 526 ел	3317 кенг	*	3100 3059	1674 1642 ел	1544
[Cu(MAB) ₂ ((iPrO) ₂ PS ₂) ₂]	666 ел 638	543	3439 3335	*	3058 к.и.	1672 ел 1634	1549
[Ni(MAB) ₂ ((iPrO) ₂ PS ₂) ₂]	683 669	559	3451 ел 3370	3333	3135 3052	1656 1617 ел	1552
[Fe(MAB)((iPrO) ₂ PS ₂) ₃]	670 638	555	3305 кенг	3120 кенг	-	1677 1639 ел	1542
[Co(MAB)((iPrO) ₂ PS ₂) ₂]	652 637 ел	557 ел 539	3425 3338	*	3055	1629 1616 ел	1629- 1597
[Ag(MAB) ₂ ((iPrO) ₂ PS ₂) ₂]	660	587 566	3452 инт 3309	3246 к.и.	3088	1655	1546
[MAB+H][Au((iPrO) ₂ PS ₂) ₂]	667	587 ел 556	3452	3204	3068	1666 1604 ел	1536
[Pt(MAB) ₂ ((iPrO) ₂ PS ₂) ₂]	638	597 пл 548	3369	*	3139 3052	1658	1554

*- интенсив частоталар билан маскировка қилинган частоталар

Комплексларнинг координацион сферасига МАВ молекуласининг кириши характерли ютилиш частоталарнинг намоён бўлиши ва тегишли частоталарнинг силжиши билан тасдиқланган. Баъзи аралаш лигандли комплекслар учун $\nu(\text{CH})$ ва $\nu(\text{NH}_2)$ берган частоталарнинг кенгайиш кузатилади, буни координацияланишда NH_2 -гурухнинг иштирок этиши ва молекулалар орасидаги ўзаро таъсирлашиш хусусиятларининг ўзгариши билан тушинтириш мумкин.

Аралаш лигандли металл DADTP комплексларининг ютилиш спектрларида ички-лиганд ўтишлар (205-220 нм) билан бирга заряд кўчиши частоталари (ЗКЧ) билан боғлиқ бўлган интенсив лиганд-металл $\pi \rightarrow \sigma^*$ ва $\sigma \rightarrow \sigma^*$ (280-275 нм) ҳамда 400 нм $[\text{MAB}+\text{H}][\text{Au}((\text{EtO})_2\text{PS}_2)_2]$ ва 416 нм $[\text{Pt}(\text{MAB})_2((i\text{-PrO})_2\text{PS}_2)_2]$ кучсиз $d-d$ ўтишлар ҳам намоён бўлади. Текис-квадратли олтин(I) комплекслари учун ЗКЧ 276-277 нм оралиғида жойлашади. Ароматик имидазол системасининг $\pi \rightarrow \pi^*$ электрон кўчиш частоталари 283-250 нм тўлқин узунлиги оралиғида энг сезиларли ҳисобланади.

Олинган аралаш лигандли металл координацион бирикмаларнинг ДТА таҳлиллари шуни кўрсатадики, турли тузилишли металл комплексларининг учувчан маҳсулотлар ҳосил қилишининг бошланғич ҳарорати 170-250 °С оралиғида жойлашган. Комплексларнинг термик парчаланиши мураккаб кўп босқичли жараён бўлиб, босқичма-босқич оралиқ маҳсулотлар ҳосил бўлиши билан содир бўлади. Комплексларнинг парчаланишида дастлабки маҳсулотлар сифатида лиганднинг органик қисми ва H_2S ажралган. Ушбу аниқланган хусусиятлар импрегнирланган сорбентлар учун ҳам кузатилган. 450-500 °С да комплексларнинг парчаланишидан ҳосил бўладиган қаттиқ қолдиқларнинг рентгенофазали таҳлиллари шуни кўрсатдики, текисликлар орасидаги масофалар ZnS , PbS , CdS , NiS , FeS , Ag_2S , Au_2S , PtS учун жадвал маълумотлар билан мос келган. Комплексларнинг тўлиқ парчаланишидан ҳосил бўлган қолдиқ метал оксидига тегишли. $[(i\text{C}_3\text{H}_7\text{O})_2\text{PS}_2][\text{MAB}+\text{H}]$




2-расм. $[(i\text{C}_3\text{H}_7\text{O})_2\text{PS}_2] \cdot [\text{MAB}+\text{H}]$ тузилиши ва водород боғлар

структурасида фосфор атоми бузилган-тетраэдрик куршалган, OPS бурчаги мос равишда 110.6, 112.00, 105.3 ва 111.50° га тенг. $\text{P}=\text{S}$ боғлари сезиларли равишда заифлашган (1.966 ва 1.956 Å), $\text{P}-\text{O}$ боғ узунлиги (1.588 ва 1.615 Å) якка боғларга мос келади. $\text{N}^{\text{эндо}}\text{H} \dots \text{S}$ типдаги H -боғланишлар ва $\text{N}^{\text{экзо}}\text{H} \dots \text{S}$ типдаги молекулалараро таъсир туфайли диизопропилдитиофосфат ва МАВ молекулалари кристалларда димерлар ҳосил қилган (2-расм).

I ва II полиморфларнинг структур бирликларини $[MAB+H]^+$ катионлари, Cl^- анионлари ва кристаллизацион сув молекулалари ташкил қилади (3-расм). Протон пиридин ҳалқадаги $N(1)^{endo}$ атомда локаллашган. Органик катионнинг муҳим бир қисми текис бициклик система бўлиб, бензол ҳалқасида C-C боғ узунликлари $(1,386(4) \pm 0,004 \text{ \AA})$ деярли тенг ва N-C боғ узунликларида қисман фарқ кузатилади. Хар иккала полиморф учун УБ- ва ИҚ спектрлар маълумотлари мутлақо бир хил бўлсада, рентгенограммаларида бутунлай бошқа текисликлар, молекулалараро ўзаро таъсирлар тизими мавжуд.

I полиморфда Cl^- бевосита $N^{exo}H$ ва H_2O молекуласи, II полиморфда эса Cl^- фақат сув молекулалари билан ўзаро таъсирлашган. I полиморфда органик катион $\pm 0,03 \text{ \AA}$ аниқликда текис бўлиб, энг яқин Cl^- ва молекулаларга копланар жойлашган сув молекулалари, $N^{exo}H_2$ ва $N^{endo}H$ гуруҳларнинг водород атоми туфайли водород боғланишлар системасини ҳосил қилган ва у кристалл тузилишининг оддий бирлиги ҳисобланган. Саккизта водород боғдан учтаси текис фрагментда 2 молекула сув ва Cl^- иони билан координацияланган. Қўшни сув молекулалари Cl^- иони атрофида координацияланиб, $KC=5$ (4 OH и 1 NH) ҳосил қилган.




3-расм. Полиморф $[MAB+H] \cdot Cl \cdot 3H_2O$ тахлами ва молекулалараро ўзаро таъсир системаси

II полиморфда иккита текис $[MAB+H]^+$ катиони бир-бири билан $N^{exo}H_2$ -гуруҳ ва H_2O молекулалари билан боғланиб, димер ҳосил қилган. Ароматик катионлар энг яқин Cl^- аниони билан H_2O молекуласи ёрдамида водород боғланиш системасини ҳосил қилган. Еттита водород боғланишдан учтаси $[MAB+H]^+$ да бўлиб, 3 молекула H_2O , Cl^- ионини координациялайди. Cl^- ионининг $KC=4$ га тенг бўлиб, яқин жойлашган 4 молекула H_2O билан қуршалган. H_2O молекуласи ва Cl^- тўпламлари орасида $[MAB+H]^+$ димерлари жойлашиб, қатламли қувурли тузилиш ҳосил бўлган. H_2O молекуласи Cl^- ва $[MAB+H]^+$ ионларини экранлаб, электростатик ўзаро таъсирни вужудга келтирган. Бундан ташқари ароматик катионлар димерларининг кучсиз π - π -стэкинг таъсири туфайли структура стабиллашган бўлади. Шундай қилиб, кам миқдордаги водород боғлар II полиморфда H_2O молекулаларининг кучсиз боғланишига олиб келади. Полиморф структуралардаги сувларнинг боғланишининг турли хиллигини DTA ёрдамида ҳам кузатиш мумкин.

$[Cd(MAB)_2((iPrO)_2PS_2)_2]$ структурасида метал иони атрофида бузилган тетраэдр конфигурация кузатилади, координацион сферага 2 та монодентат

координацияланган диизопропилдитиофосфат ионларидан 2 та олтингугурт атомлари ва 2 та МАВ молекуласидан 2 та азот атоми кирган (4а-расм). Катта ҳажмдаги изопропил ўринбосарлари ва бензимидазол фрагментлари мавжудлиги билан боғлиқ стерик тўсиқлар натижасида Cd-N боғлари узунлиги 2.210-2.555 Å, Cd-S боғлариники эса 2.503-2.559 Å оралиқда ётади. P=S ва P-S боғлар узунлиги 1.935-1.945 Å ва 2.011-2.015 Å оралиғида, гетероҳалқа фрагментидаги N^{экзо}-C=N^{эндо} узунликлар эса C-N^{экзо} 1.327-1.347 Å ва C=N^{эндо} 1.324-1.335 Å оралиғида ўзгаради. Шундай ўзгаришлар валент бурчакларда ҳам кузатилади, бу структурада молекулалараро ўзаро таъсирларнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Структурада битта ички молекуляр водород боғланиш (S...N^{экзо} 3.329 Å) мавжуд. Комплекс структурасида молекулалараро боғларларнинг иштирок этмаслиги бир-бирига π -стекинг ўзаро таъсир ёрдамида бириктирилган алоҳида мономер комплекс зарраларининг шаклланишга олиб келади.



Синтез қилинган [Bi(MAB)((iPrO)₂PS₂)₃] комплекси структурасида висмут трис-диизопропилдитиофосфатнинг бузилган псевдооктаэдр конфигурациясига катта ҳажмдаги МАВ молекуласининг кириши кузатилади (4б-расм). Натижада висмут иони атрофида учта диизопропилдитиофосфат ионларидан 6 та олтингугурт атоми бидентат координациялаши ва МАВ молекуласидан азот атоми умумлашмаган электрон жуфти, хелат цикл (бурчак S-Bi-S=67,71,72°) ва *транс*-таъсир ҳисобига молекула конфигурацияси бузилган пентоганал-бипирамидани ҳосил қилади. Структурада водород боғланишлар кузатилмаганлиги сабабли, бир-бири билан π -стекинг ўзаро таъсирида бириккан алоҳида мономерли комплекс заррачалар ҳосил бўлишига олиб келади.

[Co(MAB)((iPrO)₂PS₂)₂] молекуласи диизопропилдитиофосфатнинг S-S-донорли атомлари ва бензимидазолнинг эндоциклик азот атомини ўз ичига олган бузилган N¹S⁴ координацияга эга (4в-расм). Тўрт аъзоли хелат циклда SCoS бурчаклари бир оз чекланишларга эга бўлиб, 82.90-80.96° га тенг. Фосфор атоми атрофи бузилган-тетраэдр (\angle SPS 110,4, 108.7° и \angle OPO 95,71, 100,56°), P-S боғлари (1,971 ва 2,004 Å), P-O боғ узунлиги (1,573-1,579 Å)

якка боғга мос келади. Умуман олганда, МАВ лиганднинг катта ўлчами сабабли $КС=6$ эришиб бўлмаганлиги ҳисобига молекула тригонал бипирамидани ҳосил қилган.

Диссертациянинг «Импрегнирланган сорбентларнинг тузилиши, таркиби ва хоссаларини таҳлил қилиш, металл ионлари сорбцияси механизмини ўрганиш» деб номланган тўртинчи бобда олинган сорбентларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ўрганилган.

Олинган полимер сорбентларда паст ҳароратли (77 К) N_2 адсорбция изотермаси тури полимолекуляр адсорбцияга хос эканлигини кўрсатади (5-расм). Ушбу турдаги сорбентлар учун катта ҳажмли ғовак (V_i) ва ўзига хос солиштирма юза ($S_{вет}$) ҳамда изотерма графигидаги мувозанат концентрациясида N_2

адсорбция

